

## САРИҚ МАЛИНАНИНГ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИГА ЭГА НАВЛАРИДА ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

**Ташбоев Шухратбек Турсунович**  
**Хўжаев Хамидулло Шахобиддинович**  
**Ўринов Дилмуроджон Мирзамахмудович**

Академик М.Мирзаев номидаги  
боғдорчилик, узумчилик ва виночилик  
илмий-тадқиқот институти

Андижон илмий тажриба станцияси илмий ходимлари

**Ташбоев Шухратбек Турсунович**  
**Ходжаев Хамидулло Шахобиддинович**  
**Уринов Дилмуроджон Мирзамахмудович**

Имени академика М.Мирзаева  
садоводство, виноградарство и виноделие  
научно-исследовательский институт  
Научный состав Андижанской научно-  
экспериментальной станции

**Tashboev Shukhratbek Tursunovich**  
**Khojaev Khamidullo Shakhobiddinovich**  
**Urinov Dilmurodjon Mirzamakhmudovich**

Named after Academician M. Mirzaev  
horticulture, viticulture and winemaking  
scientific research institute Scientific staff  
of Andijan Scientific Experimental Station

**Аннотация.** Ушбу мақолада сариқ малина навларининг ҳосилдорлик, мева сифати, зараркундаларга бардошлилик сингари қимматли хўжалик белгиларини тадқиқ қилинган.

**Аннотация.** В данной статье изучены ценные хозяйственные характеристики сортов малины желтой, такие как урожайность, качество плодов, устойчивость к вредителям.

**Abstract** This article examines the valuable economic characteristics of yellow raspberry varieties, such as yield, fruit quality, and pest resistance.

**Калит сўзлар:** малина навлари, малина ўсимлиги, «Желтый гигант», «Фаллголд» ва «Утренняя роса» ирсийланиш, ремонтант.

**Ключевые слова:** сорта малины, растение малины, наследственность «Желтый гигант», «Фаллголд» и «Утренняя роса», ремонтантность.

**Кириш.** Маълумки, малина асосан ижобий миқдор белгиларга асосланган, қимматли хўжалик белгилари, яъни тезпишарлик, ремонтантлик, ҳосилдорлик, мевасининг оғирлиги, бир тупдаги мева вазни ва бошқа кўрсаткичлари юқори бўлган шакллар ҳамда уларнинг ўзаро дурагайларини танлаш асосида бойитилади. Амалий селекция учун миқдорий белгиларнинг ирсийланиш даражасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Малина ҳосилдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар, хусусан бошланғич манба ёки навнинг иқтисодий мезонларидан бири – битта мева вазни ва битта ўсимликдаги мевалар сонидир. Шунинг учун ҳам селекцион генетик изланишларда бу белгиларнинг қай тарзда ирсийланиши ва намоён бўлишига алоҳида эътибор берилади. Селекция ишларининг муваффақиятли чиқиши ва бошланғич ашёларнинг энг яхши белгиларини ўзида мужассамлаштирган янги дурагай ўсимликларини яратиш учун малинанинг қимматли хўжалик белгилари билан бир қаторда морфологик белгиларнинг ҳам наслдан-наслга ўтиш қонуниятларини ўрганш лозим [3].

Сўнги йилларда Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Андижон илмий тажриба станцияси олимлари томонидан малина янги “Жёлтый Гигант” ҳамда “Золотистая Осень” навлари интродукция қилиниб селекцион жараёнлар учун хўжалик қимматли белгилари ўрганилмоқда Ушбу наварнинг ўзининг хўжалик қимматли белгилари абиотик омилларга чидамлилиги, эртапишарлиги юқори ҳосилдорлиги, меваларнинг

таркибидаги фойдали моддаларга бойлиги жиҳатидан ҳозирда Мамлакатнинг шаркида жойлашган худудларда ушбу навларга катта талаб ва эҳтиёж сезилмоқда. Изланишларимиздан асосий мақсад Тошкент вилоятининг тупроқ–иқлим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, юқор ва сифатли ҳосил берадиган, ҳар хил экстремал шароитларга мослаша оладиган янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборатдир.

**Тадқиқот шароити ва усуллари.** Тажрибалар Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Фрунзе массиви майдонида олиб борилди. Тадқиқотлар Бутун Россия мева экинлар селекцияси илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган “Мевалар, резавор мевали ва ёнғоқ ўсимликлари навларини ўрганиш усули ва дастури” (Орёл 1999); Биокимёвий ва физиологик тадқиқотлар И.В.Мичурин номидаги Россия боғдорчилик илмий-тадқиқот институтининг “Мевали экинлар навларини синаш услуби ва дастури”га (1973) мувофиқ ўтказилди. Малина вегетация даврида қуйидаги фенологик кузатув ва ҳисобот ишлари олиб борилди: ўсимликларни 50% униб чиқиши, гуллаш ва пишиш фазаларини давомийлиги аниқланди; гуллаш, мева тугиш ва пишиш фазаларида ўсимликларни бўйи ўлчанди; гуллар, шохлар, пишган мевалар сони аниқланди; терим олдида навлар бўйича ҳар бир навдан 50 тадан мева лаборатория анализи учун териб олинди ҳамда теримлар бўйича ҳосил миқдори аниқланди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили.** Бизга маълумки, кўчат экилгандан то ҳосил пишиб етилгунгача ўтган давр вегетация даври дейилади. Бу вегетация даврида ўсимликнинг янги белгилари пайдо бўлади ва тез ўсиб ривожланади дастлабки ҳосил элементлар пайдо бўлади Шулардан келиб чиққан ҳолда вегетация даври бошлангандан 10 кун оралиғида тажрибадаги ўсимликлар устида кузатув ишлари олиб борилди.

Сариқ малинанинг ремонтант наларинг фенологик кузатишлар натижасига асосланиб вегетация даври Фарғона водийсининг мавсумий

биоритмларга мос келди. Олиб борилган кузатув ишлари натижасида сариқ малина навлари тўғрисида дастлабки малумотлар олинди.

Сариқ малинанинг ремонтант навлари ўз ўзини чанглай олиши, пояларининг ўрта бўйли хамда кучли ривожланиши ўрганилган барча навлар хар қандай тупроқ иқлим шароитларда хам шароитларга мослаша олиш қобилияти новдалардаги тиканларнинг камлиги бошқа малина турларидан ажиралиб туради. Сариқ малина навларининг мевалари таркибидаги кислота миқдори пастлиги бошқа малина навларига караганда алерген таъсири йўқлиги сабабли сариқ малина навлари кундан кунга оммалашиб бормоқда

Эрта пишар навларидан Жёлтый Гигант ва Медовая навлари эрта пишарлиги билан поялари баланд кучли, ўртача қалин тиканлар билан қопланганиши, ажойиб таъмга эга бўлган сариқ резаворлар алоҳида аҳамиятга эга. Мевалари йирик 5 гр дан 10 гр гача ширин, хушбўй резаворлар ёқимли таъмга ва хушбой ҳидга эга. Сариқ малинанинг Жёлтый Гигант нави хар қандай тупроқларда хам юқори хосилдорлиги билан хаваскор боғбонлар орасида машхур ҳисобланди Эрта пишар навлар навлар орасида Беглянка нави бошқа навларга караганда иссиқа чидамлилиги абиотик омиллар натижасида нобуд бўлган органарни тиклай олиш қобилияти, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги билан резавор мевалар орасида алоҳида ўринга эга.

Сариқ малинанинг ўрта пишар навлар орасида Золотистая Осень ва Фаллголд навларининг мева эти зичлиги, меваларнинг оғирлиги 7-10 гр поялари ўртача баландликда яхши шохланиб барглар орасига иссиқдан меваларни яширади.

Фаллголд нави сариқ малина навлари ичида юқори совуқларга чидамли ремонтант асалли нав ҳисобланади асаларилар бир гектардан 50 килограммгача асал етиштириш мумкин. Ушбу навлардан саноат миқёсида асал ва меваси учун етиштирилади.

Сариқ малинанинг кеч пишар ремонтант навларидан Амбер нави

ўрта бўйли 1.2 метргача ўсади. 27 °C совуқга бардошли мевалари сариқ рангда, мазаси нордон-ширин хажми ўртача катталиқда 4-6 гр териб олингандан сўнг ўз шаклини узок сақлайди, ташиш учун энг яхши нав хисобланади.

№	Нав номи	Қишга чидам лилик	Қайта тиклаш қобилияти	Тез пиш- арлик	Ҳосил- дорлик	Мевалари- иғ тўкилув- чанлиги	Мева катталиги	Меванинг қоплама ранги	Мева таъми	Касаллик ларга чидамлилиги	Бошқа белгилари
1	Жёлтый Гигант	-20 °С	Қисман тикланади	Эрта пишар	6-6.5	Тўқлувчан	Йирик	Сариқ	Ширин	касалликларга чидамли	Ремонтант
2	Медовая	-20 °С	Тикланмай- ди	Эрта пишар	6.8-7.5	Тўқлувчан	Ўртача катталикда	Сариқ	Ширин	касалликларга чидамли	Ремонтант
3	Беглянка	-25 °С	Тикланади	Эрта пишар	3-5	Кам тўқлувчан	Ўртача катталикда	Сариқ	Ширин	касалликларга чидамли	
4	Золотистая Осень	-30 °С	Қисман тикланади	Ўрта пишар	5.5-7.5	Кам тўқлувчан	Йирик	Сариқ	Нордон ширин	касалликларга чидамли	Ремонтант
5	Фаллголд	-26 °С	Қисман тикланади	Ўрта пишар	3.8-4.7	Кам тўқлувчан	Йирик	Сариқ	Ширин	касалликларга чидамли	Ремонтант
6	Амбер	-27 °С	Қисман тикланади	Кеч пишар	2.6-3.0	Тўқлувчан эмас	Ўртача катталикда	Апелсин ранг	Нордон ширин	касалликларга чидамли	Ремонтант
7	Сунный Беррй	-30 °С	Қисман тикланади	Кеч пишар	5-7	Тўқлувчан эмас	Йирик	Сариқ	Ширин	касалликларга чидамли	Ремонтант
8	Желтая чудо	-25 °С	Қисман тикланади	Кеч пишар	5-6	Кам тўқлувчан	Ўртача катталикда	Сариқ	Нордон ширин	касалликларга чидамли	Ремонтант
9	Желтая десертна	-30 °С	Қисман тикланади	Кеч пишар	4-8	Кам тўқлувчан	Йирик	Сариқ	Нордон ширин	касалликларга чидамли	Ремонтант
10	Абрикосивий	-27 °С	Қисман тикланади	Кеч пишар	7-9	Кам тўқлувчан	Йирик	Сариқ	Нордон ширин	касалликларга чидамли	Ремонтант

Сариқ малинанинг қимматли хўжалик белгилари

Ремонтант малина навалари орасида Санни Берри нави мевалари йирик 5-6 гр ранги ёрқин сариқ рангда бошка навларга нисбатан курфоқсиликга ва замбруғли касаликларга чидамли. барча худудларга мослашади шунинг учун малинанинг Санни Берри нави боғбонлар томонидан қадрланади.

Сариқ малинанинг кеч пишар навларидан Желтая чудо нави боғбонлар орасида энг кам харажат талаб қилинадиган нав сифатида қадрланади мевалари экологик сифатли мевалари йирик оғирлиги 6-8 гр тами ширин меваси таркибида кислота камлиги сабабли бошка навларга нисбатан аллериген таъсир йўқли сабабли бошка навлардан ажиралиб туради.

**Хулоса.** Тадқиқот натижаларига асосланган холда сариқ малинанинг барча янги навлари Фарғона вилояти шароитларида поялар кучли ривожланиб апрел ойида қийғос гуллади ва ёппасига мева тугиш босқичига ўтди меваси пишиш даврида Жёлтый Гигант ва Медовая навлари қисман мевалари тўқилди колган навларда мевалрини тўқилиши кузатилмади тупларнинг абиотк омилларга чидамли каби ижобий хўжалик биологик белгиларини номоён қилди

1.Сариқ малина навларининг қиймати: Сариқ малина навлари, хусусан, “ ва “Медовая” “Фаллголд” каби навлар ҳосилдорлик, мева сифати ва зарарли омилларга чидамлилик жиҳатидан қимматли ҳисобланади. Бу навлар экологик тоза ва сифатли маҳсулот етиштиришда муҳим аҳамиятга эга.

2.Мавсумий мослашув ва ҳосилдорлик: Сариқ малина навлари мавсумий шароитларга мос келиши ва юқори ҳосил бериши билан ажралиб туради. Бу навлар Фарғона водийсининг иқлим шароитларида юқори натижалар кўрсатган.

3.Абиотик омилларга ва касалликларга чидамлилик: Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сариқ малина навлари касалликларга ва зараркунандаларга

чидамлилиқ хусусиятига эга. Бу хусусиятлари туфайли боғбонлар орасида оммалашиб бормоқда.

4.Ривожланиш ва чанглатиш имкониятлари: Сарик малина навлари ўзини-ўзи чанглатиш қобилиятига эга ва ҳар қандай тупроқ-иқлим шароитларига мослашади. Бу навларнинг ўсиш қобилияти уларнинг бошқа навлардан ажралиб туришини та'минлайди.

Алергенлик даражаси пастлиги: Сарик малинада кислота миқдори пастлиги туфайли аллергия келтириб чиқариш эҳтимоли кам. Шунинг учун бу навлар экологик жиҳатдан соғлом ва истеъмол учун хавфсиз мева сифатида баҳоланади.

Андижон вилоятига иқлимлаштириш мақсадида кўчатларини кўпатириш бўйича тажрибалар давом этирилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллаев Р.М., Ягудина С.И. Приусадебные ягодники. – Т.: Мехнат, 1988. – 123 С.

2. Абдуллаев Р.М., Абдуллаева Х.Р. Резавор мевали ўсимликлар. -Т.: Мехнат, 2020 й. 81-91 бет

5. Казаков И.В. Ишончли янги ремонтант малина навлари экологик мослашув / Казаков И.В., Эвдокименко С.Н. // Материаллар илмий-амалий конф. “Агроекология ва навларнинг мослашуви муаммолари Россияда замонавий боғдорчилик.” Орел: ВНИИСПК, 2008. – П.37-39.

6.Енгил Л.В. Ўсимликларнинг маҳсулдорлиги ва малина сифати Беларус Республикаси шароитида ремонтант тури /

7 Легкая Л.В. Илмий ва амалий материаллар. конф. "Россияда боғдорчиликнинг долзарб муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари". – Орел: ВНИИСПК, 2007. – 37-39-бетлар.

8. Невоструева Э.Ю. Ўрта Уралдаги ремонтант малина Илмий ва амалий иш материаллари. конф. "Ҳозирги муаммолар Россияда боғдорчилик ва уларни ҳал қилиш йўллари. – Орел: ВНИИСПК, 2007. – С. 52-54.